

9-10-2019

BENCHMARKING PROJECT - Creating New Generation Textbooks The tool is in quality

Азизбек Улуфбекович Ортиқов

Наманган давлат университети мустақил изланувчиси

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Ортиқов, Азизбек Улуфбекович (2019) "BENCHMARKING PROJECT - Creating New Generation Textbooks The tool is in quality," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 8 , Article 76. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/76>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

BENCHMARKING PROJECT - Creating New Generation Textbooks The tool is in quality

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

БЕНЧМАРКИНГ ЛОЙИХА – ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИНИ ЯРАТИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Ортиқов Азизбек Улуғбекович,

Наманган давлат университети мустақил изланувчиси,

Аннотация. Мазкур мақолада янги авлод дарсликларини яратишга доир бенчмаркинг турлари ва методлари аниқлаштирилган. Муаллиф бенчмаркинг-лойиҳани ишлаб чиқиш босқичлари, уларнинг тавсифи ва янги авлод дарсликларини яратишда бенчмаркинг-лойиҳадан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берган.

Таянч сўзлар: бенчмаркинг, лойиҳа, бенчмаркинг лойиҳа, дарслик, ўқув адабиёти, хорижий тажриба.

Аннотация. В данной статье выявлены методы и виды проекта бенчмаркинга в создании учебников нового поколения. Автор описывает этапы разработки проекта бенчмаркинга, их описание и способы использования проекта бенчмаркинга в создании учебников нового поколения.

Опорные понятия: бенчмаркинг, проект, проект бенчмаркинга, учебник, учебная литература, зарубежный опыт.

Abstract. This article identifies the methods and types of the benchmarking project in creating new generation of textbooks. The author describes the stages of the developing benchmarking project, their description and methods of using the benchmarking project in creating new generation of textbooks.

Supporting concepts: benchmarking, project, benchmarking project, textbook, educational material, foreign experience.

Бенчмаркинг аслида бизнесга оид термин, лекин у аксарият соҳаларга кириб бормоқда. Мазкур тушунча бугун таълим соҳасига ҳам кириб келди. Бенчмаркинг инглизча сўз бўлиб, горизонтал ричаг (bench) ва белгилаш (mark) деган маънолардан ташкил топган. Силвия Кодинг таъкидлашича, бенчмаркинг тушунчаси илк бор қадимги Мисрда қўлланилган бўлиб, темирли ричагни тарозисимон тарзда бир нуқтага қўйиб нарсаларнинг оғирлигини ўлчашдан иборат бўлган [1].

Аксарият адабиётларда шундай таърифлар берилди: «Бенчмаркинг бу қиёслаш, бир-биридан ўрганиш ва шу йўсинда муассасанинг заиф томонлари ва муаммоли аспектиларини ҳамкорликда яхшилаш демақдир». Бенчмаркинг методидан фойдаланаётган ҳар бир университет раҳбарияти ўзи танлаган ҳамкори ўзига мос ва турдош фаолият юритаётган бўлиши лозим [2].

Бенчмаркинг бу ривожланиш ва ўз-ўзини тартибга солишга ёрдам сифатида тажриба, иш жараёни ва ижро этиш (performance) кабиларни изчил қиёслаш ва баҳолаш демақдир [3].

Республикамиз педагогика илмида илк бор бенчмаркинг олий таълим сифати ва самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқликда П.Лутфуллаев томонидан тадқиқ этилган. Олимнинг фикрича, бенчмаркинг бу мавжуд тажрибаларни ривожлантириш ёки ўзаро ўрганиш мақсадида хизматларни очиқ ва ҳамкорликда баҳолаш демақдир [4, 48-б.].

Умуман олганда, бенчмаркинг кенг тушунчага эга бўлиб, улар турли хил талқинларга эга, аммо Ж.Алститнинг асосли фикрича, уни “ташкilotлар ва саноат корхоналари ўзаро ва биргаликда ўз-ўзини яхшилаш имконини берувчи маълумотлар йиғиш учун жараёни, тажрибани ва фаолиятни таҳлил қилишдир” [5].

Е.А.Князев ва Я.Ш.Евдокимовалар бенчмаркингни қуйидаги каби саволларга жавоб топишга уриниш деб қарайди: бошқаларга нисбатан биз қандай бажаряпмиз?; биз қанчалик яхши бўлишни хоҳлаймиз?; ким яхшироқ бажармоқда?; улар (яхшироқ бажараётганлар) бунга қандай эришмоқда?; биз улар бажарган ишларни ўзимиз учун қандай мослаштира оламиз?; энг яхши бажаришга эришсак-да, янада такомиллаштишни узлуксиз давом эттира оламизми? [6, 49-б.].

Адабиётлар таҳлили бенчмаркингнинг кўплаб турлари мавжудлиги ҳақидаги хулосага келишга имкон беради. Худди шундай вазиятни, яъни бенчмаркинг турларининг номланишининг хилма-хиллигини таҳлил этиш асосида П.Лутфуллаев қуйидаги умумий тузилмани таклиф этган: қандай термин билан юритилмасин, ўрганилаётган барча манбаларда ички бенчмаркинг, ташқи бенчмаркинг, рақобатли бенчмаркинг ва умумий бенчмаркинг тўғрисида гап боради. Уларнинг қўлланиш доираси қуйидагича:

- ички бенчмаркинг катта ёки кўп тармоқли муассаса ва ташкilotларда, яъни ўзаро тажриба алмашинув ва ўрганиш марказлашган бир ташкilot ёки муассаса ичида олиб борилади;

- ташқи бенчмаркинг эса фаолияти бир-бирига ўхшаш бўлган ёки турдош ташкilotлар (муассасалар) ўртасида олиб борилади;

- рақобатли бенчмаркинг кўпроқ диагностик жараёнда бўлади, яъни ташкilotлар ўртасида олиб борилади ҳамда ташкilot ёки муассасанинг кучли ёки, аксинча, рақобатга бардошсиз томонларини аниқлашга қаратилган бўлади;

- умумий бенчмаркинг айни бир хил фаолият олиб борадиган бир неча муассасалардаги энг яхши тажрибаларни излаб топиш ва уни биргаликда барча ташкilot ва муассасаларга мослаштириш ва қўллашга қаратилган бўлади” [4, 55-56-б.].

Биз эса, янги авлод дарсликларини бенчмаркинг воситасида яратиш нуқтаи назаридан уч – мақсад ва вазифаси, объекти ва субъекти кўра бенчмаркинг турларини қуйидагича тизимлаштирдик (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал

Янги авлод дарсликларини яратиш бўйича бенчмаркинг турлари таснифи

№	Белгиси	Моҳиятли тавсифи	Бенчмаркинг тури
1.	Янги авлод дарсликларини яратиш мақсади ва мазкур фаолият такомиллаштиришга кўра	Стратегик (янги авлод дарсликларини яратишнинг таянч аспекти)	Стратегик
		Операцион (субъектларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дарсликни яратиш жараёнига ўзгартиришлар	Операцион

		киритиш)	
2.	Бенчмаркинг объектларига кўра	Жараёнли (дарслик яратиш билан боғлиқ барча жиҳатлар: жараённинг ўзи, натижа, ресурслар)	Жараёнга йўналтирилган
		Дарслик яратишга доир аниқ муаммолар	Муаммога йўналтирилган
3.	Бенчмаркинг субъектлари ва ҳамкорлар бўйича	Республика миқёсидаги таклифлар асосида	Ички
		Илғор хорижий тажрибалар асосида	Ташқи

П.Лутфуллаевнинг фикрича, бенчмаркингнинг узлуксиз ривожланиб бориши учун унинг методлари ҳам янада аниқлаштириб борилиши зарур [4, 56-б.].

Бенчмаркинг методларини таснифлашга доир ҳам турли моделар мавжуд. Масалан, Карен Кларк эса бенчмаркингни олий таълимда қўллашнинг олти босқичли методини тавсия этади [7, 3-б.]:

1. Қайси масалада бенчмаркингни қўллашни аниқлаб олиш. Бунда бенчмаркинг методини қўллаган ҳолда муассасада ўнгланиш ёки такомиллаштирилиши лозим объект аниқлаб олинади. Масалан, олий таълимда фанни ўқитиш ва ўргатиш, илмий тадқиқотларни кенгайтириш, таълим стандартларини такомиллаштириш, ўқув амалиётининг самарадорлигини ошириш, талабаларга сервис кабиларда қўллашни мисол қилиш мумкин.

2. Ҳамкор муассасани аниқлаб олиш. Бенчмаркинг олиб бориш жараёнининг муваффақияти қандай ҳамкор муассаса танланиши билан боғлиқ. Бунда муассасанинг функцияси, иш жараёни ва йўналишларининг ўхшашлиги ҳисобга олинади ёки кадр тайёрлаш соҳалари жиҳатдан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи муассаса ҳам танланиши мумкин.

3. Маълумотлар тўплаш методини аниқлаб олиш ва маълумот йиғиш. Маълумотлар тўплашда фактларга таянган маълумотлар назарда тутилади. Бунда сўровнома, интервью, ҳужжатлар ва ҳисоботлар таҳлили каби методлар қўлланилиши мумкин.

4. Фаолиятнинг жорий даражасини аниқлаб олиш. Бунда таълим жараёнида ёки муассасанинг иш фаолиятида юз бераётган муаммоли масалани тузатиш ва яхшилаш учун унинг жорий даражасини, яъни муаммоли бўшлиқни аниқлаб олиш назарда тутилади.

5. Қўзланаётган натижанинг даражасини аниқлаб олиш. Бунда мавжуд бўлган муаммони ечиш ва ривожлантириш натижасида қай даражада муваффақиятга эришиш, фойда олиш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

6. Натижаларни боғлаш. Бунда олинган натижа ва тажрибалардан (бенчмарк) ўрганиш ва ўзлаштириш ишлари ҳамда ҳамкор муассасадаги фойдали, ибратли

тажрибаларни топиш ва шу асосда ўзидаги мавжуд муаммони ечиш мақсадида фойдаланиш тушунилади.

Юқоридаги таснифдан маълум бўладики, бенчмаркинг методологиясида маълумотларни таққослаш ва таҳлил қилиш методи алоҳида роль ўйнайди.

Хорижий тажрибани таҳлил этиш асосида асосида янги авлод дарсликларини яратишда бенчмаркинг методларини қўллашнинг қуйидаги модели ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг.)

2-жадвал

Янги авлод дарсликларини яратишда бенчмаркинг методларининг қўлланилиши

Белгилари	Моҳиятли тавсифи	Бенчмаркинг методи
Маълумотлар турига кўра	Яхши сифатга эга маълумотлар	Сифатли маълумотлар асосида энг яхши амалий тажрибани эксперт баҳолаш
	Миқдор кўрсаткичлари	Фаолият ва натижавий кўрсаткичлар асосида расмий баҳолаш
Маълумотларни таҳлил этиш турига кўра	Норасмий баҳолаш	Норасмий маълумот асосида эксперт баҳолаш
	Расмий баҳолаш	Аниқ белгиланган мезонлар асосида расмий баҳолаш

Янги авлод дарсликларини бенчмаркинг воситасида яратишда бенчмаркинг турлари ва методларини белгилаб олиш бенчмаркингта асосланган лойиҳани ишлаб чиқиш имконини беради.

Реал амалиётда бенчмаркинг тадқиқот бенчмаркинг-лойиҳа шаклида амалга оширилади. Бенчмаркинг-лойиҳа тури ва шаклидан қатъий назар унинг тузилиши ўзгармасдан қолади. Е.А.Князев ва Я.Ш.Евдокимовлар бенчмаркинг-лойиҳанинг қуйидаги асосий босқичларини ажратиш кўрсатишган: 1. Бенчмаркинг лойиҳани тайёрлаш. 2. Маълумотлар тўплаш. 3. Натижаларни таҳлил қилиш. 4. Ўзгартиришлар киритиш [6, 28-б.]. Мазкур компонентлар қиёсий тадқиқот методикасида амалий жиҳатдан ўз исботини топади [8].

Қуйида мазкур босқичларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз. Бенчмаркинг-лойиҳани тайёрлаш босқичида дарсликларни яратиш бўйича энг яхши амалий тажрибага эга давлатларга доир манбалар ёритилган манбаларни топиш зарур бўлади. Таълимда бенчмаркинг бўйича шуғулланган тадқиқотчилар таъкидлаб ўтганидек, танланган ёндашув ва ўзгартиришлар киритиш имконияти билан боғлиқликда бенчмаркингнинг объекти аниқ бир муаммо, таълим хизматлари, жараёнлар бўлиши мумкин. Бизнинг тадқиқот учун бенчмаркинг объекти – бу янги авлод дарсликларини яратиш.

Мазкур босқичда асосий масала ва мазкур тадқиқот методларини аниқлаштириш зарур. Бу ҳолда тадқиқот стратегиясини кейс-стади тарзида тақдим этиш самарали бўлади. Биринчи босқич якуни бенчмаркинг асосини ўрганиш билан тугалланади. Тадқиқотчи бенчмаркинг жараёни моҳиятини тушуниши ва уни ўтказиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Амалиётда бенчмаркинг-лойиҳани амалга оширишга тайёргарликнинг уч турини учратиш мумкин: танишув (бенчмаркинг билан умумий танишиш), бенчмаркин методологияси асосларини ўзлаштириш учун кросс-функционал малакаларга эга бўлиш (малака ошириш); бенчмаркингни ўтказиш бўйича гуруҳни шакллантириш учун жамоавий тренингларда иштирок этиш (маълум бир лойиҳага қўллаш учун жамоада ишлаш малакаси).

Бенчмаркинг-лойиҳа доирасида ишни бажариш учун чуқур тайёргарликдан сўнг ахборотларни тўплаш босқичи бошланади. Ахборотларни тўплаш босқичида жорий таълим амалиётини ўрганиш ва қайд этиш зарур. Муҳим маълумотлар ҳамкор-ташкилотлар билан тўпланишига қарамасдан, аввалдан фойдалани маълумотлар тўпланган бўлиши мумкин. Бенчмаркинг бўйича ҳамкорларни излашда ахборот манбалари сифатида Интернетдаги электрон ва очик маълумотлар базаси, касбий ассоциациялар, журнал ва газеталар, расмий таълимий тузилмалар, вазирликлар, эксперт, аналитиклар материаллари хизмат қилади. Шунингдек, бенчмаркинг соҳасидаги аввалги тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш, ҳамкорлар билан чора-тадбирлар тизимини муҳокама қилиш лозим. Бенчмаркинг доирасида қабул қилинган мажбурият ва ахлоқий меъёрларга қатъий риъо қилиш ҳамкорлар билан самарали ҳамкорлик гарови бўлиб хизмат қилади. Ҳамкорлардан қизиқарли маълумотларни сўраб туриб, шунга ўхшаш ахборотларни тақдим этишга ҳам тайёр туриш лозим. Шунинг учун бенчмаркингнинг асосий тамойилларидан бири олинган маълумотларни рухсатсиз ошкор қилмаслик ва уларни сир сақлаш ҳисобланади.

Е.А.Князев ва Я.Ш.Евдокимовалар энг яхши амалиётни истеъмолчилар ва экспертлар томонидан эътироф этилган технология ва манбалардан фойдаланиш соҳасида янги ҳисобланган натижаларни олиш имконини берувчи ёндашув ёки метод сифатида аниқлаштиришган. Қиёсий тадқиқотлар нуқтаи назаридан эксперт фикри сифатида турли давлатлардаги таълим соҳасидаги қонунчилик нормалари; халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинган материаллар; турли давлатларнинг таълим дастурлари; даврий нашрлар; педагогик журнал ва газеталар, ўқув-методик материаллар, онлайн нашрлар, расмий веб-сайтлар, онлайн ва оффлайн ҳисоботлар, интернет-конференция материаллари хизмат қилиши мумкин[6].

Тўпланган материаллар лойиҳанинг учинчи босқичида чуқур таҳлил қилиниши лозим. Бунинг учун кейс-стади методи доирасида олинган материаллар таҳлил қилиниши лозим. Қиёсий тадқиқотларни ўтказиш таълим тизимини алоҳида ёки умумий алоқадорлиги, қонуниятлари, ўхшаш хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ. И.Р.Луговская таъкидлаб ўтганидек, қачонки, “алоҳида нарса-ҳодисадаги умумийликни ўрганиш” методологик тамойили асосида тадқиқот амалга оширилса, кўпроқ самарали бўлади. Мазкур тамойил алоҳидалиқ,

айримлик, хусусийликдаги умумийликни излаш орқали амалга ошади ва таълим тизимини қиёсий-педагогик таҳлил этишнинг асосини ташкил этади[9, 43-б.].

Ўзига хосликларни ўрганиш асосида дарсликлар яратиш амалиёти ўртасидаги бўшлиқларни аниқлаш, ҳамкорларнинг ютуқларининг асосий омилларини ўрганиш, янги авлод дарслиklarини яратиш жараёнини такомиллаштириш бўйича шахсий ғояларни илгари суриш жуда муҳим. Т.В.Данилованинг фикрича, бўшлиқ деганда кўриб чиқилаётган тизимнинг мавжуд ва хоҳланаётган ҳолати орасидаги фарқ тушунилади. Бўшлиқ ижобий, нолга тенг, салбий бўлиши мумкин. Ижобий бўшлиқ шундан далолат берадики, ташкилот ҳамкор-ташкilotлардан фарқли равишда энг яхши амалиёт ташувчиси бўлиб хизмат қилади[10].

Бенчмаркингга доир тадқиқотнинг тўртинчи босқичида янги авлод дарслиklarини яратиш соҳасига ўзгартиришлар киритиш стратегиясини амалга ошириш сценарийси ишлаб чиқилиши зарур. Бенчмаркинг натижаларини мавжуд тизимга мослаштириш мураккаб иш. Янги ғоя ва технологияларни қўллашнинг қанчалик самарали эканлигини тўғри баҳолаш жуда муҳим. Айниқса, дарслиklarни яратиш соҳасида хорижий тажрибалардан фойдаланишнинг самарали ёки самарасиз эканлигини аниқ белгилаш, мавжуд имкониятлар ва ресурсларни ҳисобга олиш, дарслик тилининг грамматик тузилишидан келиб чиқиб, матндаги гаплар ва сўзлар, сўзлардаги ҳарфлар сонини тушунарлилик шкалаларига мослаш алоҳида аҳамият касб этади.

References:

1. Codling S. Benchmarking. Aldershot, Hampshire: Gower. 1998 – 168 p.
2. Bender, B. E. Benchmarking as an Administrative Tool for Institutional Leaders // McKinnon (pp.113-120). San Francisco: Jossey-Bass, 2002. – pp 113-120.
3. Lund, Helen. Benchmarking in UK higher education // In CHEMS (Commonwealth Higher Education Management Service) Benchmarking in Higher Education: An International Review (pp. 66-92). London: CHEMS.1998. – 135 p.
4. Lutfullaev P.M. Xorijiy oliy ta'lim muassasalarida sifat va raqobatbardoshlik ta'minlash yo'llari: pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD). ...diss. – Namangan, 2018. – 148 b.
5. Alstete W. J. Benchmarking in Higher Education: Adapting Best practices to improve quality. 1995. Washington, DC: George Washington University. – 258 p.
6. Knyazev E.A., Evdokimova YA.SH. Benchmarking dlya vuzov: Uchebno-metodicheskoe posobie. - M.: Universitetskaya kniga, Logos, 2006. – 208 s.
7. Karen L.Clark, Ed.D. Benchmarking as a global strategy for improving instruction in higher education // A paper presented at the XI Conference on New Concepts in Higher Education, Phoenix Arizona. 1993 – 12 p.
8. Pusvatset V. S. Sravnitelniy analiz podgotovki pedagogicheskix kadrov v Germanii i Rossii: avtoref. dis. ... kand. ped. nauk. – SPb., 2007. – 22 c.

9. Lugovskaya I. R. Sravnitelno-pedagogicheskiy analiz sistem shkolnogo obrazovaniya: parametricheskiy podxod. – Arxangelsk: Pomorskiy gosudarstvenniy universitet im. M.V.Lomonosova, 2004. – 155 s.

10. Danilova T.V. Benchmarking kak instrument obespecheniya konkurentosposobnosti obrazovatelnix uslug vuza: dis. ... kand. ped. nauk. – Kazan, 2007. – 188 s.